

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 13 май, № 96 (4759)

Чоршанба



ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак 12 май куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрдилар.

Олий мартабали меҳмон қадим шаҳарнинг муаззам тарихий обидалари билан танишувни Мирзо Улугбек расадхонасидан бошлади. Ўз даврининг етук алломаси бўлган бу зотнинг илмий мероси бугунги кунда ҳам юксак қадрланади. Мирзо Улугбек илми нуҳум бобода тенгсиз олим бўлгани баробарида, илм-фаннинг бошқа соҳаларини ҳам чуқур ўзлаштирган, айни пайтда улкан салтанатни бошқарган. Ли Мён Бак Мирзо Улугбекнинг ҳаёти ва илмий мероси билан таништирилди.

Президентлар Афросиёб музейи, Регистон мажмуи ва Ғури Амир мақбарасини бориб кўрдилар.

Ли Мён Бак Регистон мажмуида миллий хунармандлик буюмлари кўргазмасини кўздан кечирар экан, машҳур Самарқанд қозоғига эътибор қаратди. Қадимда шаҳар хунармандлари тут новдаси пўстлогидан қозоғ ишлаб чиқарган. Гарчи, бугун санаятда замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган бўлсада, самарқандлик усталар отамерос ишини давом эттирмоқда. Уларнинг икки минг йил давомида бузилмай турадиган маҳсулотига сайёҳлик фирмалари ва ҳатто, хорижий компаниялар ҳам буюртма беради. Жанубий Корея раҳбарига Самарқанд қозоғининг кашф этилиши тарихи, уни тайёрлаш технологияси қизиқтириб қўйд.

Олий мартабали меҳмон инсоният даҳосининг тимсоли, меъморлик санъатининг юксак намунаси бўлган Самарқанд обидалари ўзидан катта таассурот қолдирганини, бу кўҳна ва нав-

қирон шаҳар зиёрати бир умр ёдида қолишини таъкидлади. Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш билан бир қаторда, миллий-маданий қадриятларни тиклаш, осориатқаларни асраб-авайлаш, қадимий обидалар атрофини ободонлаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўлганини қайд этди.

Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи ҳар томонлама самарали бўлди, дейиш учун барча асослар бор. Ташриф асосида давлатлараро микёсда, вазирлик ва идоралар даражасида кўплаб ўзаро манфаатли келишувларга эришилди. Дўрмон қороргоҳида имзоланган ҳужжатлар икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаган бўлса, Ўзбекистон — Жанубий Корея бизнес-форуми инфратузилмани ривожлантириш, йирик ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, минерал ресурсларни ўзлаштириш, ишлаб чиқаришнинг янги турларини йўлга қўйиш, транспорт соҳасида ҳамкорликка оид ва бошқа қатор келишувлар билан якунланди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорликни янги bosқичга қўтаришга хизмат қилди. Шу билан Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи якунига етди.

Воҳид ЛУҚМОН, Ғолиб ҲАСАНОВ, Ҳа А мухбирлари.

ДАСТУРЧИЛАР ФОРУМИ

Тошкент ахборот технологиялари университетиде Миллий дастурчилар форуми ва «BestSoft — Uzbekistan 2009» дастурий маҳсулотлар миллий кўргазмаси, шунингдек, «Электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжат айланишини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтмоқда.

Тадбирлар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюشمаси томонидан ташкил этилди.

Форумнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлда қабул қилинган «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид

(Давоми 3-бетда).

ИШБИЛАРМОНЛИК, ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ

Кеча Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида «Ўзбекистон нефть ва газ — OGU 2009» анъанавий халқаро кўргазмаси очилди.



У «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазма

Геологик башоратларга қараганда, мамлакатимиз бемисл табиий бойликлари, айниқса, катта ҳажмдаги нефть, газ ва конденсат ресурсларига эга. Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида тармоққа хориж сармояси жалб этилиб, нефть ва газ қазиб олувчи корхоналарни очиб беришга эришилди. Улар юртимиз иқтисодийнинг тобора юксалишига хизмат қилмоқда. Жумладан, жорий йил бошида 225 та нефть ва газ қони ҳисобга олинган бўлиб, шулардан 115 таси газ ва газ-конденсат, қолганлари эса нефть-газ, нефть-газ-конденсат ҳамда нефть нефть конларидир. Шундан 166 та қони табиий газ захиралари мавжуд бўлса, уларнинг 75 тасидан ҳам шғ қазиб олинапти.

Халқаро кўргазманинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мазкур анъанавий тадбир иқтисодимиз нефть ва газ тармоқларининг жадал ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Негаки, унда дунёнинг кўплаб давлатларидан етакчи компаниялар ўзларнинг энг замонавий технологиялари ва лойиҳалари билан иштирок этишяпти. Улар кўргазма асосида мамлакатимиз ёқил-энергетика мажмуидаги ютуқлар билан

(Давоми 2-бетда).

Бахтиёр АҚРАМОВ олган сурат.

Янги ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари хизматингизга тайёр!

АМАЛИЙ ИШЛАР БОШЛАНДИ

Наманган вилоятида янги ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари фаолияти изчил йўлга қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 январда қабул қилинган «Й-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қилиш инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг ичимлик суви ва табиий газ таъминотини яхшилаш, қишлоқларда замонавий сервис хизматини таъминлаштириш, қишлоқ қурилишини меъморчиликнинг бугунги ютуқлари асосида янги bosқичга қўтаришга қаратилган муҳим қадам бўлди.

Мазкур ҳужжатта мувофиқ, Наманган вилоятида ҳам қурилиш ишларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, туманларда таъмирлаш ва қурилиш бўйича дастлабки ихтисослаштирилган пудратчи ташкилотлар тўзилди.

Архитектура ва қурилиш бош бошқар-

масидан олинган маълумотларга кўра, бугунча вилоятда 27 та ана шундай ташкилот давлат рўйхатидан ўтиб, ўз фаолиятини бошлади. Улар аҳоли буюртмасига кўра, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ишланган замонавий маъмурий лойиҳалари асосида барча қўлайликларга эга, чиройли уй-жайлар қуриш, эскиларини таъмирлаш, реконструкция қилиш, кўчаларни ободонлаштириш ишларини бажаради.

Бу вазифаларнинг тўлақонли ижроси туфайли шаҳар ва қишлоқларимиз янада қўрқам қиёфа касб этиб, янги иш ўринлари вужудга келмоқда. Ҳозиргача ташкил этилган пудратчи ташкилотларга 350 нафарга яқин ишчи ва мутахассис иш билан таъминланди. Улар Наманган туманида ташкил этилган «Шаҳбоз Аббос қурилиш-таъмир», Уйчи туманидаги «Субир дом строимонтаж» масъулияти чекланган жамиятларида, Янгиқўрғон туманидаги «Ёқуб-жонов Аббосбек», Норин туманидаги «Но-

рин замон қурилиш» хусусий корхоналарида меҳнат фаолиятини бошлади.

Бугун вилоятда уй-жой қуриш ва таъмирлашга ихтисослашган янги ташкилотлар билан пудрат ишлари бўйича умумий қиймати 3 миллиард сўмликдан зиёд 154 та шартнома тўзилди.

Махсус таъмирлаш-қурилиш ташкилотларига зарур шарт-шароитларни яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Б. Юсупов. — Ҳозир янги тўзилган пудратчи ташкилотлар 70 та транспорт, 130 га яқин турли техникаларга эга. Уларнинг эҳтиёжига кўра яна 30 га яқин автокран, юк автомобили, ер ишлари техникаси келтириш кўзда тутилмоқда. Мазкур ташкилотларга бўш турган биналар, фойдаланилмай ётган иншоотларни узок мuddатга имтиёзли шартлар асосида ижарага бериш, лизинг асосида техника ва кичик механизация воситалари сотиб олишлари учун имтиёзли кредитлар ажратиш,

(Давоми 2-бетда).

Мустақиллик даврида «дастурий ривожланиш» деган ибора шаклланиб, қўндалик турмушимиздан тобора мустаҳкам ўрин топиб бормоқда. Бунинг ўзига яраша жиддий ҳаётий сабаблари бор. Янги тарихий даврда Ўзбекистон шароитида Президентимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида сиёсий, илмий ва ҳаётий жиҳатдан ҳар тарафлама асосланган дастурий ривожланиш йўлга қўйилди.

БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛЛАМАЛАРИ

Дастур, бу — кенг маънода, иш-ҳаракат учун қўлланами, йўл-йўриқ, низоми. Шу маънода, дастурлар инсонлар фаолиятида ва жамият, давлат тараққиётида муҳим ўрин тутади. Мазмун-моҳияти ва салмоғига кўра, турли даражадаги дастурлар мавжуд. Масалан, БМТ ва унинг таркибидеги халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилиб, умуминсоният ҳаётига таътиб этилаётган қўндалма дастурларни биламиз. Шу билан бир

қилиб, янги жамият ва янги иқтисодиётга ўтиш даврининг машҳур беш таъмоили ишлаб чиқилди. Бу стратегик қондалар — янги тараққиётимиз учун бош амалий дастурга айланди.

Асосий мазмун-моҳияти — иқтисодиётнинг мафқурадан тўла холи бўлиши, давлатнинг беш ислохотчи экани, ҳаётда қонун устуворлиги, қучли иқтисодий сиёсат юритиш, ислохотларни bosқичма-bosқич, изчил амалга оширишдан иборат бўлган, бугунги кунда тараққиётнинг «Ўзбек модели» сифатида тан олинган бу машҳур беш та-

моил эзгу максаллар сари илқилиб боришимизда халқимиз учун дастурий амал ҳужжат бўлиб келмоқда. Янги ривожланишнинг яна бир дастурий асосини Президентимиз ўз асарларида бундай белгилайди: «Ислохотлар — ислохот учун эмас, балки инсон учун, унинг манфаатлари учун». Мустақил Ўзбекистон шароитида инсон — энг олий қадрият ҳисобланади. Пировардида, унинг манфаатлари ҳам эъзозли, ҳамма нарсадан улғу ва мартабалидир.

Мустақил тараққиётимизнинг ўзига хос яна бир дастурий асоси шундан иборатки, мамлакатимизда истиқлолнинг илк давларидан бошлаб, сиёсий ва иқтисодий йўналишлардаги ислохотлар билан бир қаторда, маънавий йўналиш, яъни халқимизни, унинг янги авлодини маънавий жиҳатдан юксалтириш тараққиётнинг стратегик йўллари билан бири сифатида белгилаб берилди.

Ўзбекистон шароитида халқи маънавий ривожлантириш бир неча жиҳатдан жуда муҳим эди. Аввало, халқимизда истиқлолнинг илк давларидан бошлаб, бирок унинг онгида, фикрида, қарашларида, умуман, маънавиятида истиқлолдор асоратлари сақланиб келмоқда эди. Масалан, халқ руҳиятида узок ўн йиллар мобайнида шакллантирилган қўрқув, хавотир, итоатқўйлик, мутелик, ўз фикрини яшириш, боқиб-беғамлик, боқимандлик ва бошқа шунга ўхшаш нохуш

(Давоми 2-бетда).

Мамлакат бўйлаб

Ўзбекистон давлат тиллари университетиде Президентимиз Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарини ўрганишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

ПРЕЗИДЕНТ АСАРНИНН ҲРГАНИШГА БАҒИШЛАНДИ

Тадбирда тегишли идора ва ташкилотлар раҳбарлари, олим ва мутахассислар, университет профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

Дарҳақиқат, 2008 йилда бошланган, бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг сабаб ва оқибатларини тўғри баҳолаш ҳамда шу асосда унга қарши самарали чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш дунё миқёсида энг долзарб масалалардан биридир. Ушбу масалалар ечим юзорида номи зикр этилган асарда ҳар томонлама асосланган аниқ қарашлар, амалий ҳалосалар билан кенг ва батафсил тарзда таҳлил этиб берилган.

Анжуманда сўзга чиққанлар китобда инқирозни енгиб ўтиш чоралари ҳар томонлама ва холисона таҳлил этилгани ҳамда Ўзбекистон инфратузилмасини замонавийлаштириш борасидаги ташаббуслар илгари сурилганини алоҳида таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур асари моҳиятини, шунингдек, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури мазмунини аҳоли, айниқса, олий ўқув юрти талабалари орасида кенг тарғиб этиш долзарб эканлиги алоҳида қайд этилди. Семинарда мазкур асарни ўрганишнинг илмий-педагогик, ўқув-услубий таъминоти масалалари хусусида ҳам фикр алмашилди.

Х. АХМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

А. БОЛИВ.

«Халқ ижодиёти поезди» — Қорақалпоғистонда

Халқаро ва мамлакатимиз миқёсида ўтказилган фестивал ҳамда танловлар ғолиблари жамланган «Халқ ижодиёти поезди» Қорақалпоғистонга келди.

Дастлаб Беруний, Тўртқўл, Эллиққўла туманлари ёшлари билан учрашган мазкур поезди иштирокчилари Нукус темир йўл вокзалида тантанали равишда қутуб олинди.

Давлат Санъат ва Улқашунослик музейларидан жой олган қорақалпоқ тарихи, археологияси, миллий хунармандлигига оид экспонатлардан бир олам таассурот олган меҳмонлар Қорақалпоғистон давлат университети, Ҳўжайли тумани, Ташкент ва Нукус шаҳарлари ёшлари билан мулоқотда бўлишиб, қизқарлик концерт дастурини намойиш этишди.

Х. АХМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қарши шаҳрида санаят ярмаркаси ўтказилди. Унда санаятчилар ўзлари ишлаб чиқарган хилма-хил маҳсулотлар билан иштирок этдилар.

ҚАРШИДА САНОАТ ЯРМАРКАСИ

Бу йил 21 та санаят корхонаси харидорларга ўз маҳсулотини тақдир қилди. Намойиш этилган қурилиш материаллари, истеъмол товарлари, озик-овқат маҳсулотлари вилоятда санаят жадал ривожланаётганлигини кўрсатди. Бошқа вилоятлардан келган қатнашчилар ҳам икки томон учун манфаатли битимлар имзоладилар.

— Биз Қашқадарё вилоятидаги ярмаркада биринчи марта иштирок этаёلمиз, — дейди Андижон вилоятидаги «Fikentex Andijon» корхонаси вакили Нурулло Узоқов. — Пайпоқ, резина, тасма ва ип ишлаб чиқарамиз. Маҳсулотларимиз харидорларга манзур бўлди. 15 миллион сўмлик шартнома тўздиқ. Жуда кўплаб истеъмолчилар билан ўзаро ҳамкорлик ҳақида келишувга эришилди.

Икки кун давом этган ярмарка анча самарали бўлди. Унда 60 дан ортиқ шартнома имзоланди. Олди-сотди шартномаларининг умумий миқдори 1150 миллион сўмдан ошди.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МОЛИЯВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА

2009 йилнинг биринчи чораги мобайнида мамлакатимизда

187 та корхонада қайта ташкил этиш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилди.

Пировардида, ана шу корхоналарда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва молиявий фаолият яхшилангани кузатилади.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Инсон ўз ҳаётига дахлдор воқеа-ҳодисаларга ҳамisha диққат-этибор билан қарайди. Кечаги куни билан бугунини, ўтмиши ва келажagini таққослаш асосида ўзи учун хулоса чиқариб яшайди. Эртанги кунга умид билан қараб, яхши ниятлар қилади, фарзандлари тақдирини ўйлаб эзгу режалар тўзadi. Шу маънода, ҳар қанча шукроналик билан эътироф этмоқ кераки, бугунимиздан ҳар қанча фахрланса, буюк келажакка ишонч назари билан қараса, арзийди. Зеро, инсон қадри улғунаётган, тинч ва осон ҳаёт учун курашган Ватан фидойилари ёд этилиб, улар юксак қадлаётган юртимизга ахшиқлар рўй беради. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнаомлигида юртимизда ҳар бир жаҳада рўй бераётган янгиланишлар замирида бир олий ҳақиқат мўжассам. Бу — Инсон ва унинг манфаати!

БЕҶИЁС БАҒРИКЕНГЛИК ТИМСОЛИ

Биргина 9 май санаси билан бoғлиқ тадбирни олайлик. Бу сана юртимизда Хотира ва қадрлаш куни сифатида ҳoр нешoнланаётганига рoппа-рoса 10 йил тўлди. Мухтарам Юртбошимиз ташаббус билан жорий этилган ушбу кўнгул айём нақадар ҳаётий ва мантқиқ асосга эга эканлигини бугун одамларимизнинг онгу тафаккурида юз бераётган ўзгаришлар мисолида кўриб туришимиз. Инсониятга қиргин келтирувчи қурол-аслаҳаларни кўз-кўз қилишга айлиниб кетадиган намоийшлар ўрнига ўтганларнинг руҳини шод қилиш ва орамизда яшab юрганларнинг, айниқса, ўша қиргин майдонларидан омон қайтиб, эл-юрт фаровонлигига ҳисса қўшганларнинг кадр-қимматини жойига қўйиш ўн чандон, юз чандон усту-ан эканлигини бугун узоқ-яқинимиздагилар ҳам эътироф этишмоқда.

9 май куни давлатимиз раҳбари бамисоли ҳар бир хонадонга ташриф буюргандек, ҳар бир кeксаю эл юрtdошимиз билан юзюма-юз тургандек гoяtda самимий мулоҳазалар билдирдилар. Ва бугунги куннинг, ҳозирги замоннинг энг долзарб, энг қайноқ мавзуларни хусусида ўз фикр ва қарашларини ифо-

да этдилар. Ўз навбатида, тинчлик ва оsonишланишнинг қадрига етиш, ёши улғуларни эъзoзлаш, инсон қадри тушуначисининг қалбга-рақибига бoраётгани ҳақидаги ушбу мушoҳадалар ҳеч биримизни бeфaрқ қолдирмади.

Мушоҳада

Президентимизнинг, айниқса, ёшларга қарата айтган сўзлари навиқирон ўғил-қизларимиз қатори уларнинг ота-оналарини ҳам руҳлантириб юборди. Бугун жаҳон узра турли жаҳонларда ўз истеъдод ва салоҳиятини намoён этaётган ёшларимиз овоз ва обод Ватанимизнинг фаровон келажagini қуришда ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқмоқдалар. Улар эришган муваффақиётлар ҳақида эшитганда, "Мана, Ўзбекистон ёшлари, Истиқлол фарзандлари!" деб гуруҳларини ҳар биримиз хуш кўраимиз. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, Ватанимиз тараққиётига хизмат қиладиган ютуқларимиз, бойликларимиз билан ҳақиқи равишда фахрланамиз. Аммо энг катта бойлигимиз — бунёдкор халқимиз, эртанги кун эгалари бўлиши оловал-аб ёшларимиздир.

руҳда, яъни бунёдкорлик, яратувчанлик, янгиллик ва яхшиликка интилиш ҳисси билан улғаймоқдалар. Қай бир ёш билан сўхбатлашмайлик, навқирон фарзандларимизнинг тараққиётига хизмат қиладиган ютуқларимиз, бойликларимиз билан ҳақиқи равишда фахрланамиз. Аммо энг катта бойлигимиз — бунёдкор халқимиз, эртанги кун эгалари бўлиши оловал-аб ёшларимиздир.

Мушоҳада

Шукри, бугун ўғил-қизлар юрtda яхши ният билан амалга ошири-лаётган ишларга гувоҳ бўлиб, шу

шилардан воқифликни, ҳушёрликни қўлга киритишнинг истиқлолимизни асраб-авайлашнинг чораси ҳам шудир, аслида.

Давлатимиз раҳбарининг фикрларини тинглаб, Тинчлик деб аталмиш бебаҳо неъматни ниҳоятда қадрламоқ даркор, деган ниятни ҳар биримиз дилга тугдик. Ахир, инсон учун саломатлик нечоғли зарур бўлса, хотиржамлик ҳам шу қадар керак. Бинобарин, кўни-кўшинсиникида гаво кўтарилган одамнинг тинчи йўқолади, кўнгидагидек ҳордиқ чиқаролмайди, хотиржам ўтиролмайди. Халқимизда ҳикматли бир нақл бор: "Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака арийди!" Шу боис юрак-юрагимиз билан англашимиз

Мухтасар айтганда, билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳар бир юрtdошимизга гуруҳ бахш этди. Мақсадимиз аниқ: миллий ўзгичликни англаган ҳoлда, кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканлигини теран ҳис этиб яшаса, инсонийликка хо беҳо ҳислатларини унутмасак, миллат номи ҳамisha ва ҳар дам улғуланаверади. Чунки қалбда гурури, меҳр-оқибат туйғулари бор одам доимо ўз ҳаётини яхшилашга, Ватани тараққиётига муносиб ҳисса қўйишга интилади. Мамлакатимизда эл-юрт манфаатлари йўлида фидойилик намунасини кўрсатган бундай инсонларнинг меҳнати эса ҳамisha эъзoз ва қадрга муносибдир.

Хушнуд ДўСТМУҲАМЕДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари.

Эрталаб далага отланаётганимни кўрган ўғилларим ҳайрон бўлиб: — Маза қилиб ётмайсизми? — дейишди. — Тракторчи ерни экишга шайлаб қўйди. Жўякни ҳам қойиллатиб оламиз... — Даштни бир айлиниб келмасам, хотиржам бўлолмайман, — дедим. — Кўкрагимга шамол тегсин. Кўкатлару тупроқ ҳидига тўймоқчимман...

ТУПРОҚДА ОЛТИН ГУЛЛАЙДИ

Фарзандларим ноилжор ортимдан эргашинди. Картошка уруғи экишга мўлжаллаб ҳозиргина ҳайдалган ерга етгач, ажойиб манзара устидан чиқди. Тўрт тараф қизғалдоқдор. Гўё дала ловуллаб ёнаётган аланга ичида қолганга ўхшайди. Шудордан эса тупроқ хиди анқимоқда. У ҳозиргина тандирдан узилган иссиқ ноннинг бўйини эслатади...

турган бир бош узумни ёки дархатдан қўёш нурларига тўйган бир дона олмани узюб, арик сувида ювиб ёйишнинг гашини ҳис этмоқчилигимизни, дархат тагига тўқилиб, олтиндек товланиб ётган сап-сарик ўрикларга қимлардир зор эканлигини кўпгина унутиб қўйишимизни кўз олдимга келтирдим.

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қутилмаганда домла туғлиси ва пайпоғини ечиб, шудор ичида у ёқдан-бу ёққа юзга бошлади. Сўнгра ўғилларимга қўшилиб, битта-иккита жўяк олди. Терлаб-пигшандан кейин тут тагига келиб, ёнимга чўкди.

дан қурилган мактаб ўрнида пишқ гийшдан икки қаватли замонавий мактаб биноси қурилгани, ўғил-қизларимиз қишда табиғий газ ёрдамида мўътадил иситиладиган, замонавий мебеллар ва компьютерлар билан жиҳозланган ёруғ синфхоналарда ўқийётгани дилимни нурафшон қилди.

— Юртбошимизга раҳмат! — дея сўзини давом эттирди у. — 2009 йилни Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилганлариде, бир қувонгандим. Жонажон қишлоқимизда бугун юз бераётган ўзгаришларга гувоҳ бўлиб, теримга сиймай кетаялман.

Дарҳақиқат, мустакиллик йилларида қишлоқимиз янада обод бўлиб, унинг кўрғига кўрқ қўшилди. Юқорида қайд этилган объекتلардан ташқари, бу ерда икки қаватли қишлоқ врачлик пункти, учта ошхона, иккита сомаҳона, новвойхона, қушхона, бешта савдо дўкони, қўш сартошхона, гўзаллик салони, автоташналарни таъмирлаш ус-тахоналари ишлаб тургани шундан далolat эмасми?

— Янги қишлоқ марказига чиққанимда яраб кетаман, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бўрон Шоллов. — Бир томони Самарқанд, иккинчи томони Ургутга элтидиган катта йўлда замонавий русумли ўн бешта автобус қатнови йўлга қўйилган, айниқса, Барчани манун этмоқда. Ҳатто, Самарқанднинг номи ҳам шу ерда соғинаётганига нима дейсиз? Яна ичимликларнинг барча тури муҳайё. Қолаверса, "соғатка" уланши ёки пулни тўлаб қўйиш учун узоққа бормайсиз. Тўйлар махсус мухта-сам биноларда ўтказилапти. Булар юртимиз иқтисодий барқорор ривожланиётгани, халқимиз ҳаёти эса фаровонлашиб бoраётганининг ёрқин ифодасидир, албатта. Ишонманки, Давлат дастури доирасида келгусида қишлоқимиз ҳақиқий кўркам шаҳарчага айланади.

Унинг энтиқиб-энтиқиб, қўзлари нурга тўйиб айтаётган сўзларини тингларканман, бахтиёр мана бу мисралар келтирдим қўйиб олиш:

Кешолим — азиз маскан,
Меҳри ипак, палладан.
Тошлари — дур-марварид,
Тупроқлари шилладан...

Файзи ҲАЙДАРОВ,
журналист.

АМАЛИЙ ИШЛАР БОШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

шунингдек, уларни ер майдонлари билан таъминлаш чоралари кўришмоқда. Миллий мейморчилик аъёналари ва замонавий технологиялар уйғунлигида янги ўй-жайлар лойиҳалари ишлаб чиқилди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури асосида жорий йилда барча туманларда ижтимоий инфратўлима объектлари, сервис хизмати кўрсатиш шох-бoчаларини барпо этиш билан бир қаторда, туманларда аҳоли учун яқна тартибда, янги технологиялар, меъморий ечимлардан фойдаланган ҳoлда замонавий тўражойлар қуриш, кўп қаватли уйлари мукамал таъмирлаш, янгиларини қуриш ва аъналаридан ошайдиган нарҳларда қурилади материаллар билан таъминлаш мақсадида вилоятда 16 та махсус фирма дўкони ташкил этилди. Уларда қурилиш учун зарур бўлган барча турдаги махсуслотлар савдоси йўлга қўйилди. Шунингдек, таъминот масаласида барча ички имкониятлар ишга солинадиган қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш чoра-тадбирлари амалга оширилади.

Учун туманида ташкил этилган "Надалов Дилмурод Давлатович" хусусий корхонаси ишини тумандаги ички қишлоқ йўларини таъмирлаш, кўчаларни ободонлаштиришда бошлади. Шунингдек, корхона Ерқўброн қишлоғидаги "Янги чек" маҳалласида янги лойиҳа ҳаласида яқна тартибда ўй-жайлар қурилишини бошлаш арафасида.

Акрамжон САТТОРОВ,
ЎЗА мухбири.

ТОШКЕНТ ШАХРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН ТАЛАБАЛАР БАҲОРИ

Пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида «Талабалар баҳори — 2009» фестивали бошланди. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ва Мирзо Улўбег номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ташкил этилган анжуманида уч мингдан ортиқ талаба иштирок этмоқда.

Унинг очилишида Мирзо Улўбег номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Ф. Мухамедов, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маркази кенгаши раиси А. Алимов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида маънавий етуқ, пухта билимли, соғлом фарзандларни камолга етказиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланганини таъкидладилар. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъминлана янги қиёфа касб этган «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида барпо этилган замонавий тураржойлар, ахборот-ресурс марказлари, шифо масканлари ана шундай максдалларга хизмат қилмоқда. Шаҳарчада бунёд этилган спорт-соғломлаштириш мажмуалари, теннис кортлари, волейбол ва баскетбол майдончалари, ёпик сузиш ҳавазлари ёшларнинг секинлик масканига айланган.

Бир ҳафта давом этадиган мазкур фестиваль доирасида илмий-амалий конференциялар, талабалар ўртасида қирқатиллавлар, спорт мусобақалари ўтказилди. Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуасида мураббийлар ҳамда талабалар жамоалари ўртасида футбол, мини-футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат ва спортнинг бошқа турлари бўйича беллашувлар бўлиб ўтди.

Бундай тадбирлар талаба-ёшлар ўртасида аҳиллик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади. — дейди университетнинг тарих факультети декани Замира Эшонхўжаева. — Анжуманда талабалар билан бирга, профессор-ўқитувчилар ўртасида спорт мусобақаларининг ўтказилиши соғлом турмуш тарзини янада оммалаштиришга хизмат қилади.

Тадбирнинг очилишида таниқли санъаткорлар ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт дастури, талабаларнинг бадиий чиқушлари намойиш этилди.

Гўзал САТТОРОВА,
ЎЗА мухбири.



ИШБИЛАРМОНЛИК, ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

танишадилар, энг муҳими, томонлар шу ернинг ўзидa ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилиши мумкин. Масалан, "Ўзбекнефтгаз" компанияси билан "Petroleum National Bernhard" ўртасидаги "Шуртан газ-кимё комбинатида метан асосида суний суёқ ёнғили ишлаб чиқариш йўналишини ривожлантиришнинг асосий принциплари тўғрисида"ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан "Petronas Sharig Overseas" компанияси ўртасидаги "Ўзбекистон Республикасининг Устюрт минтақасидаги Урга, Кувонши ва Оқчал гуруҳи конларидан олинган махсуслот тақсими тўғрисида"ги битимлар ўтган йилги кўрагзма доирасида имзолангани бунинг далилидир. Ушбу лойиҳалар-

ни амалга ошириш учун ажратилаётган инвестицияларнинг умумий ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан ошishi кўтилмоқда.

Бу йилги экспозициялар 2008 йилдаги нисбатан 10 фoдига қўпайганини ҳисобга оладиган бўлсақ, жорий йилда ҳам қўплай йирик лойиҳалар қўлга киритилиши, шубҳасиз. Сабаби, Марказий Осиё минтақаси ёқили-энергетика тизимидаги энг йирик анжуман, дея эътироф этилаётган тадбир кўлими йил сайин кенгайиб бoраётди. Бу йилги тадбирда дунёнинг ўттизга яқин мамлакатидан 150 дан зиёд компания иштирок этапти. Улар орасида Австрия, Буюк Британия, Германия, Эрон, Испания, Италия, Польша, Россия давлатларининг жаҳонга машҳур компаниялари ҳам бор.

Захирасига бой давлатлар қаторига қиради, — дейди Хитойнинг "MSP/DIREX" компанияси менежери Шань Вэй. — Ушбу тармоқда, айниқса, кейинги йилларда қoрнатижа-ларга эришилаётганидан ҳабардоримиз. Давлатнингизда чет эл билан ҳамкорлик кўчайиб бoраётгани, ишлаб чиқариш модернизация қилинаётгани шундан далolat беради. Биз кўрагзмада энг замонавий ривожланишнинг асосий принциплари тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан "Petronas Sharig Overseas" компанияси ўртасидаги "Ўзбекистон Республикасининг Устюрт минтақасидаги Урга, Кувонши ва Оқчал гуруҳи конларидан олинган махсуслот тақсими тўғрисида"ги битимлар ўтган йилги кўрагзма доирасида имзолангани бунинг далилидир. Ушбу лойиҳалар-

олиш ва қайта ишлаш технологиялари, тармоқ учун истиқболли лойиҳалар ҳамда иккиталик эҳтиёт қисмлар ва хом ашёлар намойишга қўйилган. Ўз навбатида, маҳаллий корхоналар томонидан импорт ўрнини босувчи қўплай турдаги махсуслотлар тақлиф этилапти.

— Бизнинг корхонамизда нефть ва газ тармоғида фойдаланиладиган кабель ўтказгичлар ишлаб чиқарилади, — дейди "Hi-Tech-Kabel" қўшма корхонаси вакили Улўбег Алимухамедов. — Юқори қўшма қўшма мўлжалланган бундай кабеллар илгари импорт қилинар эди. Корхонамиз ишга тушган, бу борада эҳтиётчи қондиришга муносиб ўлш қўйиш имконияти туғилди. Айна пайтда 220 кВт қўшма қўшма бўлган кабел ўтказгичлар ишлаб чиқарилапти. Улар замонавий технология линиялар ёрдамида тайёрланаётгани бoис, сифати юқори. Бу ҳамкорларимизнинг қўпайишини таъминламоқда.

Халқро кўрагзма доирасида қатор анжуманлар ўтказилиши кўзда тутилган. Жумладан, бугун "Халқро ҳамкорлик — Ўзбекистон иқтисодийнинг нефть ва газ шубҳаси жўшқин ривожланиши қафолати" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда хорж сармоясини жалб этишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш, углеводородлар қазиб олиш ва уларни чуқур қайта ишлаш, муваббл ёнғили туруларини олиши имконияти бoраётгани замонавий технологияларни татбиқ этиш сингари доллар бoсасалар мўжамка этилади.

Кўрагзманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Э. Шоиқматов иштирок этди. Халқро тадбир 14 майгача давом этади.

Икром ЎТБОСНОВ,
Санд РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳoлатлар ана шундай асоратлардир. Бунинг устига, халқимиз ўз миллий ўтмишидан, миллий қадриятлари, урф-одатлари ва аъналаридан нисбатан беғоналашган эди. Шу боисдан, халқнинг миллий-маънавий тилқаниши ва замон талаблари даражасида маънавий аҳамиятли йўналишларидан бирига айланди. Ватанимизда бу йўналишда бир қатор дастурлар ишлаб чиқилди ва бугун улар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Чунки, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимининг ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини тарбиялаш дастури ва бошқа дастурлар бир эслиқлик. Ушбу дастурлар халқни тубдан ўзгариштириш, шахсий ҳуқуқини англатиш, айниқса, ҳар ҳафтадан барқамол авлодини воёга етказиш йўналишларида ўзининг ёрқин самараларини кўрсатмоқда.

тақиллик йилларида Президентимиз раҳнаомлигида ҳар бир йил халқимизнинг ижтимоий мақсад-манфаатларини ривожлантиришга йўналтирилган бирон-та ном билан атайиб, худди шунга мувофиқ махсус Давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилмоқда. Бундай олжаноб ҳаракат 1997 йилда

сўм маблағлар ажратилмоқда. Дарвоқе, мамлакатдаги суғориладиган экин ерларининг мелiorатив ҳoлатини яхшилаш ва тупроқ умундорлигини ошириш масаласига бағишланган махсус Давлат дастури ҳам қишлоқ тараққиёти, демократия, Ватанимиз тараққиётида муҳим ўрин тутади.

эгаллаган яна бир улкан аҳамиятли дастур тўғрисида ҳам қисқача тўхта-тайиб ўтишга алоҳида зарурат бор. Бу мамлакатдаги инқирознинг салбий иқтисодий инқирознинг бартафоти бўлиб 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар

Ушбу дастурнинг муваффақиятли бажарилиши, табиий равишда, Ўзбекистон иқтисодийнинг янада қучли, барқарор ва мундонон ҳoлда майдонга чиқишини, жаҳон бозорларида мустақам ўрин эгаллашганини, шу асосда иқтисодий ўсишни барқорорлаштириши, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлиги янада ошишини таъминлайди.

Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури ўз пойдеворининг мустаҳкамлиги, фoл ҳаётийлиги ва истиқболли эканлиги билан халқро мийқисда обур-эътибор қозонмоқда. Жумладан, хоржий мутахассислар томонидан Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни шароитида мавжуд муаммолар ҳoлис, атрафлик таҳлил ва мушоҳада этилиб, энг оқилона ечимлар топилаётганилиги таъкид этилмоқда.

Халқимиз манфаатларини юзага чиқаришда тиббиёт соҳасини ислоҳ этишга доир Давлат дастури ҳам оламшумул воқеалардан бири бўлди. Бу соҳада эришилган ютуқлар матбуотда кўп таҳлил этилган. Улардан хулоса сифатида биз бугуннинг ўзидаёқ, кўп маъноларда, халқро андозалардаги аҳолига тиббий хизмат кўрсатиши даражасига эгалик, деган фикрни айтсак, муболага қилмаётган бўламиз.

Дастурий ривожланиш ҳақида гап кетган экан, яна бир йўналишдаги дастурлар тўғрисида, албатта, тўхталиб ўтишимиз ўринли бўлади. Маълумки, му-

Шу ўринда, эзгу мақсад-муадало йна бир дастури ҳам эслагимиз келади. Биз бу ўринда 2007-2010 йилларга мўлжалланган умумий фoйланишда бўлган автомобиль йўналиш ривожлантириш дастурининг назарда тутиямиз. Уларга қараб, ҳар бир мамлакатнинг ободлик даражаси тўғрисида фикр юритиш мумкин. Шу маънода, юқоридаги Дастурнинг улкан аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиришга ҳoжат бўлмас керак. Шу Дастур асосида мамлакатимизда йўл қурилиши учун ҳам ашё шавдлар қаратилган бир қатор янги заволлар бунёд этиш режалаштирилган. Уларнинг техника ва технологиялари Германиядан келтирилди. Демак, йўлсозлик яқин орада жуда катта имкониятларга эга бўлади. Юртимиз йўллари халқро андозалар даражаси чиқди.

Дастурий Инқирозга қарши чоралар дастури ўз пойдеворининг мустаҳкамлиги, фoл ҳаётийлиги ва истиқболли эканлиги билан халқро мийқисда обур-эътибор қозонмоқда. Жумладан, хоржий мутахассислар томонидан Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни шароитида мавжуд муаммолар ҳoлис, атрафлик таҳлил ва мушоҳада этилиб, энг оқилона ечимлар топилаётганилиги таъкид этилмоқда.

Президентимиз раҳнаомлигида мамлакатимизда ишлаб чиқилиб, ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилаётган сиёсий, иқтисодий ва маънавий йўналишлардаги стратегик маъмул-моҳиятли тараққиёт дастурлари халқро мийқисда юксак эътирофларга сазовор бўлмоқда. Ҳар жиҳатдан чуқур асосланган, етти ўнлаб, бир кесиб қабул қилинган, тараққиётимизнинг устувор вазифалари ҳамда уларнинг ечимни кўрсатиб беришга узоқ ва яқин муддатли дастурлар — бунёдкорликларга, янги давлат, янги жанит ва янги иқтисодий асосларини барпо этиб, уларни тобора ривожлантириб бoришга қаратилган ҳаётбахш йўлланмалардир.

Милли САФАРОВ,
шарҳловчи.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Жиноятнинг изи

"The Guardian" газетасининг ёзишича, сомалилик қароқчиларнинг жосуслик маркази Лондонда фаолият олиб боради.

Буюк Британия махсус хизмати маълумотларига кўра, мазкур марказ босқинчиларни кемаларнинг ҳаракатлиниш йўналишига оид ахборотлар билан таъминлаб келган. Бу фикрни икки ой мобайнида қароқчилар қўлида гаровда сақланиб турган Туркиянинг "Yardimci" компанияси менежери ҳам билдириб ўтган. Унинг айтишича, босқинчилар мунтазам равишда Лондон, Дубай ва Яман билан боғланиб, ахборот алмашиб туришган.

Куйиш ҳолати кузатишган

Афғонистон ҳукумати мамлакат шарқида амалга оширилган ракета зарбалари чоғида АҚШ ҳарбийлари қиммий қуроллардан фойдаланган бўлиши мумкин, деган фикрда.



Бу ҳақда "Reuters" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Хужум пайтида ҳалок бўлган 130 нафар тинч аҳоли вакилининг ақсарияти танашида куйиш ҳолати кузатишган.

Бу эса қандайдир сирли қуролдан фойдаланилганлиги борасидаги таҳминларга асос бўлади. Айтиб ўтиш керак, мазкур воқеа айтилган мамлакатдаги қонун ҳимоячиларининг кескин эътирозига сабаб бўлмоқда. Ушбу набатда, АҚШ ҳукумати ҳарбий амалиётлар чоғида қиммий қуроллар қўлланилмаганлигини таъкидлаб, айбловни кескин рад этмоқда.

Конгрессга мурожаат

Оқ уй маъмурияти мамлакат конгрессига 2009-2010 йиллардаги бюджет ҳаражатлари учун 664 миллиард АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратишини сўраб мурожаат қилган.

Бундан ташқари, Ироқ ва Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлар учун ҳам 130 миллиард АҚШ доллари миқдорига молиявий кўмак сўраган. Шунингдек, АҚШ президенти келгусида имкон қадар ортинча ҳарбий ҳаракатлар қисқартирилишини айтиб ўтган. "ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги маълумотида кўра, Оқ уй раҳбари шу йўсинда ўз ваколат муддати якунига қадар бюджет тақчиллигини икки баробарга қамайтирмоқчи.

Президент бу мурожаатларни Вашингтонда ташкил этилган 2010 йил учун режалаштирилган федерал бюджет лойиҳаси билан танишув чоғида билдирган.

Довул оқибати

Ҳиндистон шимолдаги Уттар-Прадеш штатида кучли довул кузатишди.

Маҳаллий ҳукумат вакиллари маълум қилишича, табиий офат штатнинг электр таъминоти тизимига жиддий зарар етказган. Натيجада 22 та туман электр манбаидан узилиб қолган. Шунингдек, айрим жойларда даракларнинг кучли эсан шомолга дош беролмай қўприқлиб, автомобиль йўлларига узала тушиши машиналар қатновига ҳам салбий таъсир ўтказган.



Дастлабки маълумотларга қараганда, довул 27 нафарга яқин кишининг умрига зомин бўлган.

Шифокорлар тавсияси

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилати АН11 вируси аломатлари дунёнинг 29 давлатида қайд этилганини маълум қилди.



Касаллик билан оғриган беморлар сони эса 5251 кишига етган. Вирус, айниқса, Мексика ва АҚШ мамлакатларида кўп учраётгани айтилмоқда. Бундан ташқари, унинг аломатлари Лотин Америкаси, Европа ва Осиё минтақаларида ҳам кузатишган. Ташкилот экспертлари билан, шифокор қўриғидан ўтишларини тавсия этмоқда. Олимлар мазкур вируснинг тарқалиши 1918-1920 йилларда кузатишган "испанка" гриппининг тарқалиши, дея изоҳлашмоқда. Айтиб ўтиш керак, ушундан касаллик 20 миллион кишининг ҳаётига зомин бўлган. Албатта, ҳозирги тиббиёт анча тараққий этган бўлиб, ҳар қандай хасталикнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш имконияти мавжуд. Шу боисдан АН11 вируси талафотлари у қадар катта бўлмаслигига умид билдирилмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Advertisement for Azko Azimol, featuring a bowl of soup and contact information: Tel: +99897) 718-78-73, Fax: +99871) 277-96-38.

2009 йилги фан ва техника соҳасида давлат мукофотига тақдим этилган номзодлар орасида таниқли олим, тарих фанлари доктори Ашраф Аҳмедовнинг ҳам номи кўрсатилган. Ушбу фахрли мукофот номзодлигига олимнинг IX-XV асрларда Бағдод, Хоразм, Самарқанд академиялари ва илмий марказларида ишлашган олиб борган Урта осийлик олимларнинг меросларини ўрганишга бағишланган туркум тадқиқотлари асос қилиб олинган.

Авалло, шуни миннатдорчилик билан таъкидлашимиз керакки, узоқ йиллар давомида олиб борилган илмий изланишлар натижасида олим Урта осийлик буюк алломаларнинг ижоди ва ҳаётига бағишланган асарларни араб, форс тилларидан ўзбек ва рус тилларига таржима қилиб, нашрдан чиқарди. Улар орасида — Мухаммад ибн Мусо Хоразмийнинг «Танланган асарлари», алломанинг рус тилида нашр этилган «Астрономические трактаты», Абу Райхон Берунийнинг «Геодезия», «Тафхим», Улуғбек Мухаммад Тарагайнинг «Зиҷи ҳадиди Қурағоний», «Илми нужум-Астрология-Астрология», Шарафиддин

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига номзодлар

ТАРИХИМИЗНИНГ ФИДОЙИ ТАДҚИҚОТЧИСИ

Али Язйиднинг «Зафарнома» каби асарларининг ўзбек тилига таржимаси бор. Ашраф Аҳмедов республикаимизда фан тарихи соҳасидаги етакчи олимлардан ҳисобланади. Олим Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтидаги фаолияти даврида ўрта асрларда, умуман, Шарқ мамлакатлари фан тарихига оид араб, форс ва туркий тиллардаги кўпгина ёзма манбаларни ўрганган, таржималарни илмий асосда амалга оширди. Хусусан, Урта осийлик олимларнинг фан тарихига кўшган муносиб хизматларини ўрганиш ва тарғиб этиш йўлида катта ижодий куч-ғайрат кўрсатиб келапти. Яқинда Ашраф Аҳмедовнинг «Шараф ад-дин Али Йазди. «Зафарнома» — «Книга побед» Амира Темура» номли асари нашрдан чиқди. Асар рус тилида бўлиб, унда келтирилган кўплаб илмий изоҳлар олимнинг хизматлари ҳисобланади.

Етук тарихчи олим, мохир педагог устознинг 1995-2001 йиллардаги фаолияти Самарқанд шаҳри билан боғлиқ бўлди. Мустақиллик шарофати билан 1995 йилда Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКО тасарруфидоги Марказий Осиё тадқиқотлари институти очилди. Институтининг биринчи раҳбари, ташкилотчиларидан бири Ашраф Аҳмедов эди. Унинг раҳбарлигида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Корея Республикаси, Туркия, Хитой, Эрон, Покистон, Россия давлатларидаги илмий даргоҳлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Шу даврда институт томонидан Урта Осиё тарихини акс эттирувчи кўплаб асарлар дунё юзини кўрди: «Буюк Ипак йўли шаҳарлари ва маршрутлари», «Марказий Осиё амалий санъати — Атлас, 1-том. — Ўзбекистон», «Марказий Осиёнинг асосий сўфий мактаблари», «Марказий Осиё халқлари дostonлари» шу тадқиқотларнинг айримларидир.

Олим Ҳиндистондаги Индира Ганди маркази билан ҳамкорликда Марказий Осиё тарихи бўйича манба-шунослик марказини яратиш учун махсус дастурни ишлаб чиқди. Ашраф Аҳмедовнинг Самарқанд шаҳридаги фаолияти даврида Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тантаналарини ўтказиш бўйича олиб борилган тайёргарлик ишларига кўшган хиссаси ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Ашраф Аҳмедов 1996 йил 22 апрелда Парижда ЮНЕСКО Бош қароргоҳида «Темурийлар даврида таълим ва маданият Ренессанси» мавзусидаги халқаро конференцияни, шунингдек 1996 йилнинг 25-26 октябр кун-

Илм оламида ўз сўзи, самарали фаолияти билан танилган олим-педагог Ашраф Аҳмедовни Самарқанд давлат университети олимлари 2009 йил фан ва техника соҳасидаги Давлат мукофотига муносиб номзод, деб ҳисоблайди.

ларида Тошкентда «Амир Темурнинг жаҳон тарихида тугган ўрни» мавзусидаги халқаро симпозиумни ўтказиш учун тайёргарлик ишларида фаол иштирок этди. Ҳаётини фан раванқига бағишлаб келаётган Ашраф Аҳмедов ёш авлоднинг тарбиясига, таълим олишига ҳам ўз хиссасини қўшмоқда. Олим Самарқанд давлат университети тарих факультети талабалари учун «Урта Осиёнинг буюк алломалари», «Урта асрларда Урта Осиёнинг илмий марказлари», «Амир Темур тарихи манба-шунослиги» мавзуларида олиб борган махсус курслари низоҳатда қизиқарли, савол-жавобларга бой дарслар бўлди. Унинг раҳбарлигида тарих фани бўйича магистрлик диссертацияси тайёрлашни истаганлар сони ортди. Натيجада, ўнлаб магистрлар миллий тарихнинг муҳим мавзуларида илмий ишларга киришдилар. Кейинчалик улар илмий фаолиятларини давом эттириб, номзодлик ва докторлик диссертацияларини химои қилдилар. Моҳир мураббий — устоз ҳозирги кунларда ҳам самарқандлик кўпгина ёш олимларга илмий раҳбарлик қилмоқда.

Темир ШИРИНОВ, тарих фанлари доктори, профессор.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарориди ҳамда 2010 йилгача компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурига мувофиқ, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида стратегик устувор йўналишларни амалга ошириш, жумладан, мамлакатимиз дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар белгилангани таъкидланди.

Мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш тармоғи жадал ривожланиб бораётди. Буни кўйидаги мисоллардан ҳам кўриш мумкин. Бугун республикаимиз шаҳар ва туманлари марказларидаги барча тармоқлар рақамлаштирилган бўлиб, аҳоли, корхоналар, ташкилот ва муассасаларга юқори сифатли шаҳарларга юқори телефон алоқа ва маълумотлар узатиш хизматлари кўрсатишмоқда. Барча жойларда янги ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмоқда. Интернетдан фойдаланувчилар ҳамда мобил алоқа компаниялари абонентлари сони мунтазам кўпаймоқда. Давлат идоралари ва ҳўжалик юртуви қисматлари ўз фаолияти ахборот-коммуникация технологияларини қўллашга асосланган юқори технологик компьютер ускуналарини татиб қилишмоқда. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, замонавий дастурий таъминоти талаб қилади.

Мамлакатимизда софтвер саноати ҳар томонлама кўллаб-қувватланмоқда. Юртбошимизнинг ташаббуси билан дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга иқтисослашган корхоналар учун солиқ имтиёзлари белгилангани улар фаолиятининг ривожига муҳим ўрин тутмоқда. Ҳар йили энг яхши миллий дастурий маҳсулотлар республика танлови ўтказилаётди. Бу Ўзбекис-

ДАСТУРЧИЛАР ФОРУМИ

ли муассасалари, вазирилик ҳамда идоралар вакиллари иштирок этмоқда. Улар ўзаро тажриба алмашиб, маҳорат дарслари, тақдирот маросимлари, ўқув семинарларини ўтказишади. Секцияларга бўлинган йиғилишларда республикаимиз дастурий саноатининг бизнес-ҳамжамиятлар вакиллари ҳамда аҳолининг кенг қатлами учун мўлжалланган мавжуд ва истиқболли ютуқлари намойиш этилади. «Интернет-лойиҳа халқаро хавфсизлиги», «Microsoft корпорацияси ва Каспер лабораторияси дастурий маҳсулотларини Ўзбекистоннинг саноат корхоналарида жорий этиши», «Кутубхона жараёнларини автоматлаштириш тажрибаси ва муаммолари», «Амалий дастурлаш», «Online ва offline-ўқуви фазалликлари» каби мавзулар кўзгич баҳсларга сабаб бўлди.

Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси ижрочи директори И. Абдуллаевнинг сўзларига кўра, форумда миллий софтвер саноатини янада ривожлантириш борасида «Ўзбекистонда иқтисослашган илмий-техник зонани ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиши моделини яратиш» мавзусидаги илмий тадқиқот иши натижалари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар берилди.

Форум 14 майгача давом этади.

В. НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири.

Бухорода меҳнат бозори

Бухоро шаҳрида вилоят меҳнат бозори ярмаркаси бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда 1147 та корхона ва ташкилот 8333 та бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Ярмаркага олий ўқув юртли ва касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳамда иш ўрнига талабдор 13 минг 700 нафардан зиёд киши тақлим этилди.

— Бухоро нефть ва газ саноати касб-хунар коллежи битирувчисиман, — дейди шулардан бири Сурхоб Нурхонов. — Ярмарка шарофати билан Бухоро нефтни қайта ишлаш заводиди ишлаш учун йўланмага эга бўлдим. Айтиш жоизки, ўтказилган вилоят меҳнат бозори ярмаркаси тўғрисида 3263 нафар фуқаро ишга жойлашди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Advertisement for Antimon, featuring the text: Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, Рақобат ва Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ҳокимларининг қарорларига кўра, давлатга тегишли бўлган бинолардан фойдаланганлик учун тўланадиган ижара ставкалари пасайтирилганлигини маълум қилади.

Advertisement for OPEC, featuring the text: ОПЕК ҳамда Саудия тараққиёт жамғармалари иштирокида «Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш» лойиҳаси доирасида пудратчи ташкилотларни танлаб олиш бўйича ўтказиладиган халқаро тендер савдолари мuddати узайтирилиши тўғрисида эълон.

Advertisement for TTEMZ, featuring the text: Завод TTEMZ изготавливает и реализует: КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А. Теперь и в лизинг. Автокраны: КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ, КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ, КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ.

Advertisement for New Holland TL5060 tractor, featuring the text: NEW HOLLAND TL5060. Ишлаб чиқарувчи корхона аҳолига ва корхоналарга қуйидаги хизматларни кўрсатади: қалинлиги 10 мм. гача бўлган барча турдаги металлари метталари; барча пайвандлаш хизматлари; мижоз материалдан (металл) махсулот тайёрлаш ва ишлаб чиқариш.

Advertisement for Kafel, featuring the text: ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ «КЧМ». а также: КАФЕЛЬ (облицовочный и напольный) САНТЕХНИКА (унитазы, умывальники в большом ассортименте).

Узоқ йиллар чорвадор бўлган, эндиликда қариллик гаштини сураётган Мўйдинжон ота Раҳмонови набиралари қуршовада уратди.
 — Бу жуужуқларни боққа оёриб, бир ўйнатиб келай, — дея чехрасига табассум югурди отанинг.
 — Демак, шаҳарга отланибсизлар-да?
 — Йўқ, ўзимизнинг боғимиз шаҳардаги унча-мунча боғлардан қолишмайди. Атракцион дейсизми, “Эртақлар олами”ни, турли-туман ўйинлар дейсизми — ҳаммасидан бор.

Дарҳақиқат, Пахтабоддаги маданият ва истироҳат боғи, унга яқин жойда янги ташкил этилган “Ешлар боғи” уч-тўрт йил олдин қаровсизлик боис хувиллаб қолганди. Маданий дам оладиган жойларнинг замон талаби даражасида бўлишини таъминлашга қаратилган ишохотлар туфайли улар бутунлай янгича қиёфа касб этди. Қишлоқларда ҳам маданият ва истироҳат боғлари қад ростлаб, бир неча турдаги атракционлар ўрин олди. Компьютер хоналари ташкил этилди. Қичкин-тойларга мўлжалланган спорт майдонлари очилди. Жумладан, Пахтабоддаги “Ешлар боғи” да маҳаллий ҳокимлик, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Маҳалла” жамғармаси билан ҳамкорликда кенг қамровли ободонлаштириш ва кўкчаларга эстетикликни ишлари амалга оширилмоқда.

БОҒЛАРИМИЗ ФАЙЗГА БУРКАНСИН

чи фаворалар боққа ўзгача тароват бағишлай бошлади. Европа мамлакатларидан келтирилган манзарали дов-дарактлар, турфа гуллар чор-атрофга гўзаллик бахш этмоқда. Бу ерда турли байрамлар, тадбирлар, тантаналар, халқ сайиллари мунтазам ўтказиб келинаётир. Боғ ҳар кун уюштирилаётган концертлар, спорт ўйинлари, учрашувларга мезбонлик қилмоқда.

хонаси”ни тиклашайтир. Пойтуғ, Мойғир, Яқкатуғ боғларида ободонлаштириш ишлари жадал олиб боришмоқда. Шу аснода ҳар бир қишлоқ ўзининг сўлим, дилтортар боғ-роғига эга бўлади.

да чойхона очиб тирикчилигини ўтказайтирми айди. Жақлақуқ тумани марказидаги боғнинг атрофини хусусий дўконлар эгаллаган. Атракцион ишламайди. Ховуз атрофларида турли чиқиндилар уюми кўзга ташланади.

Таҳлил ва таққос

шаҳар ва туманларида дам олиш масканлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги кўнгилни хира қилади. Хўжабод тумани марказидаги маданият ва истироҳат боғида ободонлаштириш, кўкчаларга эстетикликни ишлари панжа орасидан қаралмоқда. Болажонларнинг жондил бўлган атракцион носозлиги боис кўрғазмага қўйилгандай қантарилқ турибди. Боғ ўртасидаги фавворанинг сув кўрмаганига

да чойхона очиб тирикчилигини ўтказайтирми айди. Жақлақуқ тумани марказидаги боғнинг атрофини хусусий дўконлар эгаллаган. Атракцион ишламайди. Ховуз атрофларида турли чиқиндилар уюми кўзга ташланади.

Корасув шаҳридаги яққо ягона боғдаги аҳвол янада ачинарли. Боғнинг бир қисмига маҳалла аҳли чиқинди тўқмоқда. Утган йили қуриб қовчираб қолган дарактларни янгилаш, ўт-ўлан қолган майдонларни гулзорга айлантириш шаҳар ҳокими вазифини бажарувчи Турғунбой Маматов ва мутасадди ташкилотлар раҳбарларини қизиқтирмайди. Қўрқам спорт мажмуаси биносининг олд майдонига лоқал кетмон ҳам урилмаган. Сал наридаги бўш турган ерга манзарали даракт кўчатлари ўтказиш ёки уни



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Наманган шаҳридаги “Паҳлавон” спорт мажмуасида теннис бўйича норасмий жаҳон чемпионати ҳисобланган “Дэвис кубоги” мусобақаларининг Осиё ва Океания минтақаси саралаш ўйинлари нихосига етди.

Теннисчиларимизнинг қўли баланд

Унда Ўзбекистон ва Япония терма жамоалари ўзаро куч синашди. Дастлаб корта қиққан вақилимиз Денис Истомин Ючи Суэгитани 6/3, 6/2, 6/2 ҳисобида мағлубият учратди. Фаррух Дўстов — Тацума Ито баҳси тўр сет давом этди. Бу беллашувда ҳам омад (6:4, 6:3, 3:6, 6:3) ўзбекистонлик теннисчи томонида бўлди.

Мусобақанинг иккинчи кунги ўтказилган жуфтлик беллашувда Денис Истомин ва Фаррух Дўстов — Сатоши Ивобучи ва Такао

Сузуки устидан ишончли галабога эришди. Беллашувнинг сўнги кунинда Мурод Иноятов Татсуа Итога, Важа Узоқов эса Такао Сузукига қарши кечган баҳсда имкониятни бой берди.

Умумий натижаларга кўра, теннисчиларимиз 3:2 ҳисобида устуликка эришдилар ва жаҳон гуруҳининг плей-офф босқичига йўлланма олдилар.

Кудратилло НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хориждан фотонигоҳ: СУРАТЛАРДА АКС ЭТГАН ЎЗБЕКИСТОН

Япония ва Италияда Ўзбекистонга бағишланган рангли суратлар билан безатилган иккита китоб босмадан чиқди.

Япониянинг болалар ва ўсмирлар адабиётини нашр қилушга ихтисослашган «Poplar Publishing» нашриёт компанияси томонидан “Ўзбекистон” деб номланган китоб чоп этилди. Ушбу нашр “Дунё мамлакатлари” туркумидаги тўпламларнинг ўттиз олтинчиси ҳисобланади. Япониядаги мактаблар ва кутубхоналарга тарқатилади. Ундан Ўзбекистон тарихи, маданияти, ўзбек халқининг анъана ва удувлари муҳрланган кўпбаҳли суратлар ўрин олган. Китоб асосан тўртта: мамлакат ҳақидаги географик маълумот, ўзбек халқининг ҳаёти ва турмуши, дини

одамлар, хусусан, аёллар ҳақида ҳикоя қилади. А. Калифано ўз китобида таъкидлашча, Ўзбекистонда аёллар оиланинг бутунлигини сақловчи ва қадимги миллий анъаналарни асраб-авайлаб, авлодлардан-авлодларга етказиб берувчи ҳисобланади. Ўзбек аёли ибсо-ҳаёси, хулқ-атворининг мулоимлиги, айни пайтда, қатъиятчилиги билан ўзига хосдир. Аёл ўз ҳаётини, энг аввало, қуйи уруги, оиласига бағишлайди. Ўзбекистонда оила замонавий жамиятда муҳим аҳамият касб этадиган алоҳида кичик бир олам бўлиб, унда аёллар фахрли ўринни эгаллайди.

Биз ва жаҳон

2006-2008 йиллар давомида ЮНЕСКОнинг маданий тадбирларини ташкил этиш доирасида Ўзбекистонда бир неча бор бўлган А. Калифано ўз китобида ҳар гал мамлакатимизга келганида ва тарихий шаҳарларимизни кўрганида уларнинг салобатидан қайта-қайта ҳайратга тушиб хамда янги-янги таассуротлар олишини қайд этди. Шунингдек, у қадимги меъморий ёдгорликларни асраш ва қайта тиклаш борасида давлат томонидан олиб борилаётган ишларни ҳам алоҳида таъкидлайди. «Мен жуда кўп мамлакатларда бўлганман, бироқ ўз тарихий меросини авайлаб асрашга бўлган бундай муносабатни кўриш ҳали менга наслиб этгани йўқ», деб ёзади муаллиф.

касиб — ўқитувчилик. У 23 йил давомида тумандаги 65-мактабда физика фанидан сабоқ берган. Пенсияга чиққан эса, бўш ўтиришини маъқул кўрмай, хунармандчилик билан шўғулланишга аҳд қилди.

ХУНАРМАНД ЯРАТГАН МЎЪЖИЗА

Дилдора опанинг касби — ўқитувчилик. У 23 йил давомида тумандаги 65-мактабда физика фанидан сабоқ берган. Пенсияга чиққан эса, бўш ўтиришини маъқул кўрмай, хунармандчилик билан шўғулланишга аҳд қилди.

олияти орқали халқимиз, маҳалла ёшларининг табиат ва экология ҳақидаги билим ва турмушларини янада бойитиб, уларни табиатни асраб-авайлашга даъват этмоқда. Унинг “Ўрмондаги уй”, “Ўзбекистоним”, “Сув ости мамлакатининг”, “Табиатни асранг”, “Ховли”, “Саҳий ер тўқмаси”, “Баҳор”, “Кунгабоқар”, “Қадимий уй” мавзуларида яратган асарларини томоша қилган киши бунга амин бўлади.

Халқ ижоди

Дилдора опанинг касби педагог эмасми, таълим даргоҳларида тахсил ва тарбия олаётган ёшлар билан тез-тез мулоқотда бўлиб туради. Ижодий

фаолиятида ҳам ёш авлод камолотига хизмат қилувчи асарлар яратишга эътибор қаратади. Хусусан, яқинда унинг ташаббуси билан тумандаги 83-боғча тарбияланувчиларига табиат ва экология мавзусида машғулотлар ўтказилди. Шунингдек, у мактабда ташкил этилган табиат ва экология музейини жиҳозлашда фаол иштирок этди. Бу ерга ўзи яратган асарлардан тўхфа қилди.

Айни кунда хунарманднинг ижодий фаолияти янада қизғин тус олган. У Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан пойтахт табиати, бой ўлтиши, замонавий иншоотларини акс эттирувчи асарлар яратмоқда.

Фаррух БЎТАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири. Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Спорт байрами шукӯҳи

Ўтаётган ҳар бир кун юртимиз аҳлини яна бир байрамга — умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг ёшлик ва спорт аёмига яқинлаштирмоқда.

Ушбу кунни оряқиб кутаётганлар — кимдир фарзанди, бошқаси шогирди, нуронийлар эса неваралари Сирдарё вилоятида ўтказилган “Умид ниҳоллари — 2009” спорт мусобақаларида қандай натижа кўрсатар экан, дея интиқ бўлаётган бир паллада мезбонлар мазкур ўйинларнинг ташкилий масалаларини маромига етказиш ниятида интилишмоқда.

Айни пайтда Гулистон шаҳрида мусобақанинг республика финал босқичини кўнгилдагидек ўтказиш учун 14 та ишчи гуруҳи қизғин фаолият юртимокда. Хусусан, Гулистон шаҳрида ушбу мусобақаларга тараддуў якуний паллага қиравётган бир вақтда вилоятнинг туман ва шаҳарларида “Умид ниҳоллари — 2009” спорт ўйинлари олдидан ҳамда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишланган маданий ва маърифий тадбирлар ўтказилапти. Эл таниган санъаткорлар, ёзувчи ва шoirлар, спортчилар билан бўлаётган учрашувлар шу кунгача Янгиер шаҳри, Ховос, Сирдарё, Мирзаобод, Бобёут, Сайхунбод, Оқолтин, Гулистон туманларидаги умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, қишлоқ ва маҳалла гузарлари, жамoат ташкилотлари, стадионлар, маданият ва истироҳат боғларида “Ўзбекнаво” эстрада бйрлашмаси кўмағида ташкил этилди.

“Умид ниҳоллари — 2009” ўйинларининг спорт мусобақаларида маданий тадбирларни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи якуний финал босқичи иштирокчилари жойлашадиган ётоқхоналарда маданий-маърифий тадбирлар ўтказишни режалаштирган.

Кучлилар аниқланди

Олот шаҳрида дзюдо бўйича ёшлар ўртасида мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси хамда барча вилоятлардан келган 450 нафардан зиёд полвон татамига чиқди.

Пировардида, хоразмлик Бахтиёр ўгли Дирёбер, Тошкент шаҳри вақиллари Акбар Дадамухаммедов, Иккитбек Бекметов сингалари дзюдочилар ўз вазн тоифаларида голиб

чиқдилар. Биринчиликда буюролик полвонлар ҳам муваффақиятли иштирок этишди. Чунончи, қорақўллик Миржон Тўхтаев, олотлик Хасанжон Очиллов, ҳасанжон Раҳмонов, Асрор Худойқулов шохсуланин оқори поғонасига қўтарилишди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Эсар Жайхун шамоллари»

Халқ дарадини, миллат руҳиятини қаламга олган инсон халқнинг муҳаббатига, ардоғига сазовор бўлади. Муҳими, бунда ижодкорнинг қалб чаммасидан отилиб чиққан сўзлар самимийликка, халқчилликка асосланмоғи лозим. Шундагина китобхон шoirнинг сўзини қалб билан тинглайди, қўнг билан ўқий ва уқа олади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шoirи Иброҳим Юсупов шундай юксак истеъдод эгаси эди. У Ватанин шайрга солди, баланларовоз сўзлар эмас, ақснча, бепеён кенгликлару хатто, инсонга азиз бўлган бир тутам хаси ёҳуд япроғи мисолида юртни маҳд этди.

Кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида шoir хотирасини ёд этиш мақсадида йиғилганлар Иброҳим оғанин аша шу қирраларини эътироф этишди. “Эсар Жайхун шамоллари” деб номланган бу тадбирда шoir мухлислари, адабиётшунос олимлар, ёш ижодкорлар иштирок этишди.

Иброҳим Юсупов, айниқса, истиқлол йилларида жушиб иход қилди ва қорақалпоқ шoirиятининг доврўғини дунёга таратди. Атоқли шoirнинг мустикаллиғини тарангун этувчи шайрлари мамлакатимиз бўйлаб баралла янради. Унинг ушбу хизматлари Президентимиз томонидан муносиб баҳолалиб, “Ўзбекистон Қаҳрамони” фахрий унвони ва “Эл-юрт ҳурмати”, “Дўстлик” орденлари билан тақдирланган.

Шунингдек, кенча шoir шайрларидан намуналар ўқилди, қизгин мушоира дилбар куй ва қўшиқларга уланиб кетди.

Ф. ФУРҚАТОВ.

ОБ-ҲАВО (13 май)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 12-17, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик қутилмайди. Тунда 13-18, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик қузатилмайди. Ҳарорат кечаси 11-16, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёғингарчилик бўлмайди. Тунда 11-16, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 13-15, кундузи 27-29 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгиромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

1992-2008 йилларда чиқарилган Ўзбекистоннинг мавзули ва йиллик почта маркалари, блок ва кичик варақларини, кляссер ва буклетларга жойлаштирилган марка тўпламларини тақдим этади.

ТЕЛ. 233-70-33. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ
 ФАКС 236-36-48. E-MAIL: OAO@POST.UZ

Халқ сўзи
Народное слово
 МУАССИСЛАР:
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
 Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
 Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 46571 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Девонхона 233-52-55;
 Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳафаланди.

□ — Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.15 Тошхирлиди — 00.10

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
 100000, ГСП,
 Тошкент шаҳри,
 Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
 Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
 Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
 Навбатчи — Қ. Хидиров.
 Мусаҳҳиҳ — Х. Тонхўжаев.